

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



СамДУ ректори:

проф.

Р.И.Халмурадов

2022 йил

07.00.08. – ТАРИХШУНОСЛИК - МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДЛАРИ МУТАХАССИСЛИГИ БҮЙИЧА  
ДОКТОРАНТУРАГА КИРИШ СИНОВЛАРИ

ДАСТУРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Кафедра мудири:

т.ф.д., проф. Б.Э.Эргашев.

Самарқанд – 2022

**Аннотация:**

**07.00.08. – ТАРИХШУНОСЛИК - МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ.**

**ТУЗУВЧИЛАР:**

<b>Б.Э. Эргашев</b>		СамДУ, Тарихшунослик ва манбашунослик кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор.
<b>И.М. Сайдов</b>		СамДУ, Тарихшунослик ва манбашунослик кафедраси профессори, тарих фанлари доктори.
<b>Д.Н. Ражабова</b>		СамДУ, Тарихшунослик ва манбашунослик кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.
<b>Т.И. Махмудов</b>		СамДУ, Тарихшунослик ва манбашунослик кафедраси катта ўқитувчиси, (PhD).

Дастур Тарих факультетининг 2022 йил 19-сентабрдаги № 1-сонли Кенгаш йигилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

**07.00.08–Тарихшунослик - манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари мутахассислиги бўйича докторантурага кириш синовларини баҳолаш ва ўтказиш тартиби**

**МЕЗОНИ**

07.00.08–Тарихшунослик - манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари мутахассислиги бўйича «Махсус фанлар»дан докторантурага кириш синовлари қуидаги тартибда амалга оширилади:

1. Кириш синовлари Олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланган маҳсус комиссия аъзолари иштирокида ўтказилади ва ёзма ишлар шифрлангандан кейингина текшириб баҳоланади.
2. Кириш синовлари учун (ёзма ишлар) З соат вақт ажратилади ва белгиланган вақтда тегишли хоналарда ўтказилади.
3. Докторантурага кирувчилар билими 0 баллдан 100 баллгача бўлган баллар оралиғида баҳоланади.
4. Кириш синови варианtlари бешта саводдан иборат бўлиб, варианtlар сони 60 тадан кам бўлмаслиги талаб этилади.
5. Вариантлардаги саволлар маҳсус фанлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тегишли бакалавриат йўналиши учун тасдиқланган дастурлар асосида тузилади.
6. Ёзма ишлар синов ўтказилган куннинг ўзида баҳоланиб, тегишли тартибда расмийлаштирилади.
7. Баҳолаш натижалари синов ўтказилган куннинг эртасига соат 12 -00 гача эълон қилинади.
8. Кўйилган баллардан норози бўлган бакалавр синов натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида қабул комиссиясининг раисига ёки апелляция (адолат) комиссияси раиси номига ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Апелляция ҳақидаги аризани кўриб чиқиши муддати икки кундан ошмаслиги керак.

## Кириш

Мустақил Ўзбекистон. Миллий қадриятларининг қайта тикланиши. Миллий маданият. Мустақиллик даврида тарих фани вазифалари, янги муаммолар, янгича фикрлаш, янгича услубий қоидалар, аниқ ифода. Ўзбек давлатчилиги муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш» тўғрисидаги қарори (1998 й 28-июль). Ўзбекистон халқлари тарихининг долзарб муаммолари. Тарих фани ривожланишининг асосий тамойиллари. Тарихий тадқиқод методлари.

Ўзбекистон Республикаси 2017-2021 йиллар ривожланиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида - давлатчилик ва мамлакат илмий салоҳиятини оширишга қаратилган имкониятлар ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш; маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш; миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш; мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёsat олиб бориш каби янги ислоҳотлар мажмуаси. Бунда, чора-тадбирлар ижроси бўйича аҳолининг фикрлари, таклиф ва эътиrozларини қабул қилган ҳолда илгари сурилган ташабbuslar тизимлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 24-майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида тарихшунослик-манбашунослик соҳасида илмий тадқиқотларнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисоблаган. Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилиши қўрсатилган. Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари

тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсатига оид давлат дастурлари доирасидаги долзарб вазифалар, бешта ташаббус доирасидаги талаблар, Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизммининг 2030 йилларга мўлжалланган фармонлари ижросини тамиллаш бўйича вазифалар. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришининг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури.

Тарихшунослик – манбашунослик ва Фан тарихи фанлари тарих соҳасида таълим олаётган талabalар, докторантлар ва илмий тадқикот олиб бораётган изланувчилар учун ДТС асосида ўқув тизимиға мўлжалланган йўналишлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил Президент сайлови сайлов олди дастури. Ушбу фанлар тарих илмий изланишларининг ажралмас қисмларидир. Тарихшунослик фани тарихда инсоният ўтмиш саҳифаларини ўзида акс этган тарихий асарларни ўрганиш билан бирга, уларда тарихий жиҳатдан баён этилган воқеаларнинг турлича кўринишда бўлишлари билан чекланмайди ва уларда тарихийлик исбот-далил принциплари асосида воқеа-ходисаларни ўрганада. Тарихшунослик фанининг чегаралари ва тематикаси тарихий манбаларнинг янги турларининг илмий жиҳатдан ўрганилиши асосида кенгайиб боради. Шу жиҳатдан тарихий манбашунослик фани ёзма манбаларга уларнинг яратилиш вақти, муаллифи, хронологияси, ҳаққонийлик даражаси ва яна кўпгина таҳлилий жараёнлардан сўнг тарихий манбаларни илмий асосланган маълумот сифатида қабул қилиш мумкинлигини таказо этади.

Тайёрланган ушбу дастур ДТСларга мос ҳолатда ва Тарихшунослик-манбашунослик мутахассислиги бўйича докторантурага кириш имтихонлари учун талабларга мос ҳолатда тузилган.

## **Асосий кисм:**

Тарихшунослик тарихи. Тарихшунослик маъноси. Тарихшунослик фанининг тарих фани ва ижтимоий доирасида тутган ўрни ва аҳамияти. Тарихшуносликнинг даврланиши, турлари. Қадимги тарихий асарлар. Геродот (м.о. V аср) нинг «Тарих», Страбон (м.о. 64-24 йй) нинг «География» асарлари. Биринчи илмий тарихий асарлар. Фукидид (м.о. IV аср), Полибий (м.о. II) нинг «Умумий тарих» (40 жилд) асари, Арриан «Анабасис Александра» (милодий I аср), Юлий Цезарнинг «Галлар билан уруши тўғрисида» асари. Ўрта аср инсонпарварлик (гуманистик) тарихшунослиги тарихини янгича даврланишнинг бошланиши Ўрта аср Европа тарихшунослигининг ўзига хос хусусиятлари. Херман Вамбери. XIX асрда Огюст Конт (1799-1857), Георг Вильгельм, Фридрих Гегель (1770-1831) ва бошқаларнинг тарих тўғрисидаги фикри ва қарашлари. XX асрда Европадаги тарихшунослик мактаблари.

Манбашунослик фани манбаларни аниқлаш ва унинг илмий аҳамияти. Манбаларни мавзулар тартибида саралаш ва унинг асосий шартлари. Манбаларни тахлил қилиш услублари. Манбаларни ташқи ва ички белгиларига қараб тахлил қилиш. Манбаларни умумий тавсифлаш ва алоҳида бир манбани тадқиқ этиш. Матнни аниқлаш. Асл манба. Манба ёзилган давр ва жой, унда тарихийликнинг инъикоси. Манбанинг яратилиш тарихи шартшароит ва ундаги тарихий ҳаққонийлик мезони (хужжатларда тарихийлик деярли реал акс этган бўлади). Асл манбадан кўчирилган нусхалар. Нусхаларнинг асл манбага яқинлигини аниқлаш муаммолари. Тарихий манба ҳақида умумий холосалар чиқариш. Ўрта Осиё тарихига оид қадимги ва илк Ўрта аср ёзма манбалари (араб ёзувигача). Қадимги эпиграфик манбалар, Шарқ қўлётзмалари хазиналари, Ўрта Осиёнинг IX-XV асрлар ва XVI-XIX асрлар тарихига оид ёзма манбалар, Ўрта Осиё тарихига оид рус ва европа тилларидаги ёзма манбалар, Ўзбекистоннинг XX аср тарихига оид манбалар ва Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти йилларидаги тарихига оид манбалар. Тарихий манбаларни тўплаш ва сақлаш масалаларини ёритиб беради.

Фан тарихи курсининг предмети, максад ва вазифалари, унинг долзарблиги, илмий ва амалий аҳамиятини ўрганади, ҳамда талабаларга «Фан ва техника» тушунчаси, унинг ривожланиш қонуниятлари ва тамойиллари, фаннинг таркиби ва тузилиши, уни ташкил қилиш ва бошқариш, фаннинг таснифи. Фаннинг ижтимоий роли ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тушунча беради Мустақил Ўзбекистонда фан тараққиёти ва

ривожланиши ҳақида маълумотлар беради. “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастири”да кўрсатиб ўтилган талаба-ёшларнинг тарихий дунёқарашини бойитиш, улардан мустақил фикрни қарор топтириш, фан тарихининг инсон ва жамият тарихи билан узвий боғлиқлигини кўрсатиб бериш билан белгиланади. Шунингдек, “Фан ва техника тарихи” фани ҳақидаги билимларни қарор топшириш, Антик даврда илмий тафаккурнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, IX-XI асрда мусулмон Уйғониш даври. Шарқ олимларининг дунё илмий тараққиётига қўшган ҳиссаси, Ўрта асрларда Европа фани, Уйғониш даври. XIV-XVI асрлар Европада илмий билимлар ривожида янги давр, Марказий Осиёда Темур ва темурийлар даври фан тараққиёти, Янги давр фани. Фаннинг шаклланиш жараёни ва унинг замонавий талқини, XX аср-илмий техника тараққиёти ва илмий-техника инқилоби асри ҳамда мавжуд илмий адбиётлар ва замонавий назариялар ҳамда олиб борилаётган тадқиқот ишларини ўрганиш, фан бўйича тўпланган илғор тажрибалар, кадрлар буюртмачиларининг фикр, талаб ва таклифлари каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Тарихшунослик - [тарих](#) фанининг тарихини ўрганувчи [фан](#). Тарихшунослик тарихий билимлар тараққиётини, муайян тарихий босқичда яратилган илмий маҳсулотларни ёки маълум бир муаммога бағишлиланган тарихий тадқиқотларни урганади ва тахлил қиласди. Тарихшунослик нафақат тарих, балки маҳсус тарих фанлари тарихи билан хам шугулланади. Тарихшуносликнинг асосий вазифаси тарих фани ривожини чукур ва ҳар томонлама холисона англашдан, муайян [тараққиёт](#) даврида тупланган тарихий билимларни таҳлилий тадқиқ этишдан, амалга оширилган ишларнинг натижасини чиқаришдан ҳамда шу асосда тадқиқ этилган долзарб муаммоларни аниклаб, келгуси тадқиқотларнинг йуналишларини белгилашдан, тарихчиларни муайян тарихийилмий [муаммо](#) доирасидаги адабиётларга йуналтиришдан иборат. Тарихшунослик ўтмишда кечган ва бугунги кунда содир бўлаётган воқеа-ходисаларнинг одамлар онгida қандай акс этишини, тарихий адабиётлар орқали ижтимоийтарихий [ривожланиш](#) жараёнини [кузатиш](#); [жамият](#) тарихий ривожининг турли босқичларида тарихий билимларнинг ўсиб бориши жараёнини кузатиш имконини беради.

Бошқача айтганда, маълум босқич ёки даврда тарих фанининг ривожини жамият тараққиётининг асосий йўналиши билан боғликлиқда ифодалайди, ижтимоийсиёсий, мафкуравий мухитнинг тарих фанига таъсирини, у ёки бу йуналишдаги ривожланиш ва таназзулга юз тутиш сабабларини аниклайди. Тарихшунослик, шунингдек, фан тараққиётида ўз

урнига эга булган и. т. марказлари тарихини, унда [фаолият](#) кўрсатган илмий кадрларнинг салоҳияти, уларнинг фан ривожига қўшган хиссаларини ўрганиш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Тарихшунослик тадқиқотларининг бир қанча таҳлил усуллари мавжуд: қиёсий іархий [усул](#) — турли тарихий даврларда тарихий маълумотлар қандай пайдо бўлди, ҳаракатланди, ўзгарди ва ривожланди, жамият тараққиётида тарихий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнини аниклашда қўлланилади; аниқ таҳлилий усул — олиб борилган Тарихшунослик тадқиқоти воқеа-ходисалар тафсилотини келиб чиқиши сабаблари, ривожланиш жараёнини назарий ва фактик материалларнинг ўзаро алоқасида таҳлил қиласида, уларнинг фанда қандай ёритилганлигини ўрганади; мантиқий таҳлилий усул тарихшуносликда катта имкониятларга эга бўлиб, тарихий муаммонинг ўзига хос хусусиятлари, тузилиши, бошқа тарихий ҳодисалар билан боғлиқлигини ўрганишда қўлланилади. Бошқача айтганда, маълум босқич ёки даврда тарих фанининг ривожини жамият тараққиётининг асосий йўналиши билан боғлиқлиқда ифодалайди; хронологик усул — воқеа-ходисалар ҳақида турли босқич ёки даврда тўпланган тарихий фактларни ўзаро боғликлиқда ўрганишда қўлланилади.

Бу эса турли замонда илмий фикрларнинг ҳаракатини, муаммога ёндашувда концепциялар, қарашлар, ғояларнинг ўзгариб боришини хронологик тартибда такрорий ёки хилмакил жиҳатларини очиб беради; даврийлаштириш усулида маълум бир тарихий даврий чегарада тарих фанининг сифат, [услуб](#) ва хусусиятларининг ўзгаришига ижтимоийиқтисодий муносабатларнинг таъсири, ҳар бир янги босқичда вужудга келган илмий ғояларни ҳаракатлантирувчи омил ва йўналишлар аниқланади; ретроспектив таҳлил — ҳар бир илмий [адабиёт](#) ўз даврига тааллуқли бўлиб, унинг кучли ва кучсиз жиҳатларини ўзида акс эттиради. Тарихшунослик тадқиқотларда тадқиқотчининг вазифаси ўзидан аввалги босқичларда яратилган илмий асарларни замонавий билимлар нуқтаи назаридан ўрганиш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилишдан иборат.

## **МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР:**

1. Шавкат Мирзиёев. “Танқидий таҳлил қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундагик қоидаси бўлиши керак”. Т. 2017й. -53 б.
2. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида фармони. Тошкент. “Адолат”. 2017 й. -97 б.
3. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этиш. Т. “Ўзбекистон” 2017 й. -28 б. (лотин графикасида)
4. Шавкат Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гаровидир. Т. “Ўзбекистон”. 2017 й. -28 б. (лотин графикасида)
5. Шавкат Мирзиёев. Буюқ келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. Т. “Ўзбекистон”. 2017 й. -484 б
6. Каримов И.А Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. 1 жилд. Т.: Ўзбекистон , 1996.-364.
7. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2 жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996.-380.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.// Мулоқот, 1998. №5- Г.1-16.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 03.10.2022 йилдаги 559-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 22.05.2017 йилдаги 304-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруғи, 25.07.2022 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 1981-4.
12. Абу Райхон Беруний. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т. Фан, 1968.
13. Авесто. Избранные гимны. Перевод с авестийского и комментарии И.М.Стеблин – Каменского. Душанбе. Адиб, 1990 – 175 б.
14. Абу Джафар ат – Табарий. История ат – Табарий. Фан. Т. 1987.
15. Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. Нашрга тайёрловчи А.Аҳмедов. Т. Нур, 1992 – 40 б.

- 16.Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: Ўқитувчи,1994.-428
- 17.Аҳмедов Б. Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида. Ёзувчи. Т.,1997.
- 18.Бартольд В.В. Собрание соч. В 9- и томах. М., 1960 – 1968.
- 19.Захридин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Юлдузча. Т., 1989 – 368 б.
- 20.Геродот. История. Древнегреческий текст и перевод. Л.: Наука, 1972. -600 с.
21. Ғиёсиддин Али. Дневник похода Тимура в Индии. Перевод с персидского, предисловие и примечания А.А.Семёнова. ИВЛ. М., 1958 – 207 с.
22. Зевелев А.И. Историография Туркестана. Т: Узбекистан, 1968 – 276.
- 23.Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Таржимон ва нашрга тайёрловчи. У.Уватов. Т: Мехнат, 1992-328.
24. Мулло Олим Маҳмуд Ҳожи. Тарихи Туркистон. Қарши: Насаф. 1992 – 152.
- 25.Рюй Гонзалес де Клавихо. Дневник. Путешествие в редис. М.С.Миронова. М., 1990 – 210 с.
- 26.Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуни ва Ҳабибулло Караматов таржимаси. Т: Фан, 1991 – 144.
- 27.Абдунабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. Т., 1998.
- 28.Абдунабиев А., Сайдова М. Сто имен в витке истории. Т., 2000.
- 29.Бонгард-Левин Г.М. Древние цивилизации. М., 1989.
- 30.Бернал Д. Наука в истории общества. М., 1956.
- 31.Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. Т., 1972.
- 32.Виргинский В.С, Хотеенков В.Ф. Очерки истории науки и техники 1870-1917 гг.М., 1988.
- 33.Вернадский В.И. Труды по истории науки в России. М., 1988.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ  
ДОКТОРАНТУРА ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ  
УЧУН МАХСУС ФАНЛАРДАН Даъвогарларнинг  
БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>Синов топшириш шакли</b>	<b>Ёзма</b>
<b>Ажратилган вақт</b>	<b>120 дақиқа</b>
<b>Саволлар сони</b>	<b>5</b>
<b>Ҳар бир савол учун белгиланган балл</b>	<b>20</b>
<b>Максимал балл</b>	<b>100</b>
<b>Ўтиш бали</b>	<b>55</b>